

ЎЗБЕКИСТОНДА ИРРИГАЦИЯ ТАРАҚҚИЁТИ

Ўзбек халқи ўрта Осиёда яшовчи бошқа халқлар каби деҳқончиликнинг тақдирини суғориш қоригида боғлиқлигини илгаридан билган.

Карл Маркс Шарқда деҳқончилик суғоришга асосланганлигини кўрсатиб: иқлим шартлари ва туپроқнинг ўзига хослиги туфайли, айниқса, Сахрон, Набирдан тортиб Арабистон, Эрон, Хиндистон ва Татаристон орқали то Осиё пасттекислигининг энг юқори областларига ҳам қўйилган саҳроларнинг катта кенгликлариди каналлар ва ирригация иншоотларидан иборат суғориш суғориш системаси Шарқ деҳқончилигида асос бўлиб, деган эди.

Тарихий ҳужжатларда ўрта Осиёда ирригациянинг қачон пайдо бўлганлиги тўғрисида аниқ бир маълумот йўқ. Лекин у жуда қадим замонларда вужудга келган, деб тахмин қилиш мумкин.

Туркистонда қорим ҳукмронлиги даврида атиги 87 минг ҳектара ер суғорилган эди. Чор ҳукмати ирригация қурилишини кенгайтириш, яъни ерларни суғориш тўғрисида ўйлаб ҳам қўрмади.

Суғориш суғориш жуда катта маблагларни талаб қилар, унинг бутун оғирлиги меҳнаткаш деҳқонлар елкасига тушар эди. Ирригация иншоотлари ва суғориладиган ерлар асосан маҳаллий феодаллар қўлида бўлиб, улар деҳқонлар етиштирилган ҳосилнинг деярлик ярмини тортиб олардилар. Хева ва Қўқон хоналари, Бухоро амири энг катта ер эгалари ҳисобланарди.

Хон ва беклар деҳқонларни суғориш каналлари, ариқлар қазиб ва уларни тозалаш ишларига юбориб, мажбуран ишлатар эдилар. Деҳқон хоннинг бўйруғи билан у ёки бу жойга бориши, ҳеч қандай ҳақ олмай, каналлар қазиб, йўлга ва кўприкларни тузатиши ва бошқа ишларни бажариши лозим эди.

Суғориш нобатига нобат далавлар, оқизиб иш феодаллар томонидан тайинлаб қўйилган ариқ оқсоқоллари қўлида эди. Қишлоқларда эса суғориш миқдорлар тақсимлари. Уларнинг ҳаммаси бойлар мафлаати билан бўлиб, суғориш ишлари деярлик ариқларнинг деҳқонлар эса қатра сувга зор эдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси сойиб Туркистон халқларига ҳам озолиқ келтирди, уларни маҳаллий феодаллар ва мустамлакачилар зулмидан қутқарди. Ўндай улар олдига ҳужжалик, сиёсий ва маданий қолоқликни тугатиш ҳамда қудратли социалистик индустрияни барпо этиш, қишлоқ ҳужжалигини кооператив асосда ривожлантириш вазифалари турарди.

Гражданлар уруши ва босмачилар ҳаракати туфайли Ўзбекистон қишлоқ ҳужжалиги оғир аҳволга тушиб қолган эди. Суғориш системалари бузилган. Зарафшон дарёсидан ирригация иншоотлари Ровот-Хўнада тўғони, Қорадаёдаги сув тақсимлагич, Бекобод каналнинг бош иншооти ва ҳоказолар вайрон қилинган бўлиб, кўп каналларнинг сув ўтказиш қуввати яқин баравар камайган эди. На тиждада Туркистонда суғориладиган экин майдонлари анча камайиб кетди.

ҚУРИЛИШ ВА АРХИТЕКТУРА СЕКЦИЯСИ

Ўзбекистон «Билим» жамияти ҳузурида жамоатчилик асосида иш олиб бораётган қурилиш ва архитектура секцияси ташкил қилинди.

Секция кўнга қўрилган бир гуруҳа бинокор олим, инженер ва архитекторлардан иборат составга тузилди. Булар орасида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети қурилиш бўлимининг муздир М. С. Саидов, Тошкент қурилиш илмий-техник институти директори, техник фанлари доктори, профессор А. В. Ашрабов, техник фанлари кандидати Н. В. Бучков, А. А. Одиқўжаев, Г. И. Ступанов, архитектура фанлари кандидати А. Б. Вохонов, И. С. Суҳанов ва бошқалар бор.

Секция аъзолари бинокорликни прогрессив иш методлари, янги қурилиш материаллари ва конструкциялари, бина ва иншоотларни лойиҳалашнинг рационал усуллари, янги конструкциялардан энг кўп фойдаланишни янги микрорайон ва турар-жой масжидларининг жойлашуви ҳамда архитектура ёдгорликлари ҳақида лекция ва суҳбатлар текширишни ишлаб чиқариш, бинокорлик соҳаси бўйича ёзилган илмий-техника брошюраларини нақрга тайёрлашлар.

Лекцияларни ўқиш учун «Главгосстрой» ва «Главташхострой» территорияси бош қурилиш бош қармавлари қарашли қурилиш ташкилотлари ва объектларида ишловчи прораблар, мастерлар, қурилиш инженер-техниклари, раёонализаторлар ва новатор ишчилар, лойиҳаловчи инженер-архитекторлар ва бинокор олимлар жалб қилинган.

Жамоатчи секторлар қурилиш объектларида, йирик панеллар ишлаб чиқарувчи уйсозлик номинатларида, завод, фабрика, клуб, маҳалла ва кўч-кўчаларга бориб, қишлоқда лекция ва суҳбатлар ўтказилар.

М. МАВЛОНОВА
ишчи мухбир.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ ўлка қишлоқ ҳужжалигини тиклашга ердан берадиган қатор тадбирлар амалга оширилди.

1918 йил апрелда В. И. Лениннинг таклифи билан РСФСР ҳукумати пахтачилик ва пахта саноати эҳтиёжларини қондириш, асосан суғоришни ривожлантириш учун 502 миллион сўм пул ажратди. РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг ерларни яхшилаш бўлимининг ҳузурида Мирзачўлини, Зарафшон, Сирдарё, Чу дарёси водиларини суғориш бўйича лойиҳалар тайёрловчи бир қатор бош қармалар тузилди.

Февраль ойида эса В. И. Ленин кўрсатмасига мувофиқ, РСФСР ҳукумати Туркистон Социалистик Республикасида суғориш ишларини амалга ошириш имкониятлари масаласини ўргатувчи махсус комиссия тузди.

1918 йил 17 майда Владимир Ильич «Туркистонда суғориш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги Декретини имзолади. Суғориш ишлари учун 50 миллион сўм пул ажратилди. Ирригация иншоотларини тартибга солиш бўйича биринчи навбатдаги ҳамма ишлар 1921 йил баҳоринда тугалланган лозим эди. Дохи имзолаган Декрет унинг Совет Туркистон халқларига қилган катта ғамхўрлигиндан далолат беради. Бу декрет деҳқончиликни, шу жумладан пахтачиликни юксалтиришнинг улуғвор программаси бўлиб.

Гражданлар уруши тавом бўлган, ўзбек меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида Лениннинг суғориш соҳасидаги кўрсатмаларини амалга оширишга киришдилар. Натижада Кампир-Ровот узеги қурилди. Фарғона ва Зарафшондаги магистрал ариқларнинг қирғоқлари мустаҳкамланди. Қорадаё ва Дарғом сув тақсимлагичлари ишга туширилди. Дарғом-Шавдар ва Боғишмолида суғориш иншоотлари капитал ремонт қилинди. Чирчиқ-Оҳангарон системасида эса янги сув иншоотлари қурилди.

Ўзбекистон ССР тузилган, СССР ҳукумати билан суғориш системаларини қилиш соҳасида талай ишлар қилинди. 1925—26 йилларда суғориш ишлари учун 8 миллион сўм ажратилди.

1927 йилда биринчи марта ирригация қурилишининг ягона план ишлаб чиқилди. Қишлоқ ҳужжаликни социалистик асосларда ривожлантириш бўлиб.

Каналлар, ариқлар ўтказиш ишларида, тўғонлар қурилишида минггаб деҳқонлар кўнглини равишда иштирок қилдилар. Уларнинг кўн-қайратини, зўр ушшоқлигини туфайли 22 километрни Янги Фарғона канал, бир ой ичида ишга туширилди. Ёзёвон қўлиги биринчи марта сув оқаётган эди. 1925—27 йиллар мобайнида Тошкент ва Фарғонадаги суғориш системалари тикланди, янги ариқлар ўтказилди. Мирзачўли суғориш ишлари бошлаб юборилди. Биринчи беш йиллик давомида Зарафшон дарёсига тўғон қурилиши натижасида бу дарёнинг ерар инкалла қирғоқ томониданги ерлар суғорила бошланди. Бу ишларнинг ҳаммаси 1927 йилга келиб республикада пахтачиликни тиклаш имконини берди.

Партия Марказий Комитетининг 1929 йил 18 июлдаги қарорига 1929 йилда биринчи беш йиллик даврида суғориш системаларини янгида ривожлантириш вазифаси қўйилди.

Ана шу йиллар мобайнида Далларанда, Норин ва бошқа дарёларда ирригация қурилишлари авж олиб кетди. Бу эса колхоз экин майдонларини кенгайтириш, янги суғориладиган ерларда пахтачилик соҳаслари тузиш учун кенг йўл очиб берди.

Иккинчи беш йиллик даврида партия ва ҳукуматнинг тинмай ғамхўрлиги қилиш туфайли Ўзбекистоннинг суғориш тармоқлари кенгайди. Йирик ирригация системалари қурилди.

Учинчи беш йилликда бошланган қурилишларни битказиш, суғориладиган ва янги очилган ерларини сув билан тўла таъминлаш бўйича ишлар қилиб кетди. Сув ўқчи кураш кенг халқ ҳаракати тусини олди, чуқун сувсиз ерларга сув чиқариш, қараб ётган саҳроларга жон киритиш халқнинг асб орузи эди.

Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хоразм меҳнаткашлари энг шимариб, бирин-кетин янги-янги каналлар қазидилар. 1939 йил баҳорда 600 километр узунликда 46 та қудратли суғориш иншооти қурилиб, 20 минг гектар янги ерга сув чиқарилди.

1939 йилнинг август ойида кенг халқ оммасининг актив иштирокчи Катта Фарғона каналини қуриш

га киришилди. Қурилиш учун ҳукумат томонидан 20 миллион сўм пул, 15 минг кубометр ёғоч, 200 автомашина, 60 трактор ва бошқа қурилиш материаллари ажратилди.

16,2 миллион кубометр ҳаммадаги ер ишлари 45 кунда тугалланди. Бу — коллектив меҳнатнинг буюк кучи, социалистик меҳнат усуллари — мусобақа ва ўзаро ерданинг ажойиб самараси эди. Ўзбек халқи қардош халқлар модал билан Коммунистик партия раҳбарлигида унчалик катта моддий ва молиявий маблағ сарфлаган ҳолда, канал қурилишини муваффақиятли тамомлади. Партия ва ҳукумат қурувчиларнинг ишларига юксак баҳо берди. Канал қуришда актив қатнашган 1082 киши СССР орден ва медаллари билан мукофотланди.

Ўзбек халқининг сув учун кураши ажойиб самаралар берди. 1938—39 йилларда республикада суғориладиган ерлар майдони 160 минг гектарга кенгайди.

1940 йилда 102,5 километр узунликдаги Жанубий Фарғона канал, 165 километр узунликдаги Шимолий Фарғона канал ишга туширилди. Шу йили 63 километрни Тошкент каналининг қурилиши Оҳангарон ҳавзасида бўш ётган ерларни суғориш имконини берди. 1940 йилда янги каналлар қурилишида жами ярим миллион колхозчи қатнашди, улар 56 миллион кубометр ҳаммадаги ер ишларини бажардилар. Республикада бир йил ичида қариб 70 минг гектар янги ерга сув чиқарилди.

1941 йилда Қорақалпоғистонда 129 километр узунликдаги Ленин номи канал ишга туширилди, Қосон сув омбори, Кампир-Ровот тўғони қуриб битказилди.

Фашистлар Германияси янги СССР га ҳужум қилиши суғориш ишларини вақтинча тўхтатиб қўйди.

1943 йил февралда ўзбек халқи Коммунистик партия бошчилигида йирик қурилиш — Фархад гидростанциясини барпо қилишга киришди. Шу билан бир вақтда Салор, Қийи Бўзсув, Оққовоқда ҳам электр станциялари қурилиш бошлаб юборилди. Партия Марказий Комитети ва СССР ҳукумати билан 1945 йил 17 июлда қабул қилган қарор Ўзбекистонда ирригация, мелiorатив ишларининг янги программаси бўлиб, йилгари қурила бошлаган Каттақўрғон ва Ўрта Тўқай сув омборлари, Катта Тошкент ва шимолий Тошкент каналларини ҳамда Оқунбобоев номи каналининг буюк ишловини битказиш бўйича ишлар қилиб юборилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 1954 йил 9 февралда «1954—1958 йилларда Ўзбекистон ССР да пахтачилик, янада ривожлантириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қарорда ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилашнинг таъминлаш колхоз ва совхозларда сувдан фойдаланиш тартибига солиш, шўр босган оёққор ерларда коллектор ва дренаж тармоқларини қуриш, магистрал ва тақсимловчи каналларини сувни тўсдиладиган ва тақсимлайдиган инженерлик иншоотлари билан тўла таъминлаш ва ҳоказо тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган эди.

1953-59 йиллар мобайнида узуни икки минг километрдан ортиқ бўлган қурилиш каналлари ишга туширилди. Беш йил ичида (1955—59 йиллар) Ўзбекистонда 160 мингдан ортиқ гектар янги ер ўзлаштирилди. Фақат 1959 йилнинг ўзида ирригацияни ривожлантириш ва янги ерларни ўзлаштириш мақсадига 600 миллион сўм пул ажратилди.

Ўзбекистонда ирригация қурилишининг истиқболи порлоқ, Мирзачўл, Қарши чўли, Зарафшон водис, Амударёнинг қуйи оқимиданги ерлар, Марказий Фарғона ва бошқа ерларни ўзлаштириш қишлоқ ҳужжалик маҳсулотларидан, аввало пахтадан мўл ҳосил етиштириш имконини беради. Биргина Мирзачўлининг 650 минг гектар ери ўзлаштирилса, республикада йилгари яна бир миллион тоннага яқин пахта ҳосили олиш мумкин бўлади.

Ўзбекистонда етти йиллик мобайнида жами 700 минг гектар ер ўзлаштирилган лозим. Кейинги ўн йилликда эса янги йирик ирригация қурилишлари: Чорноқ, Кампир-Ровот, Нариндон, Жанубий Сурхон сув омборларини қуриш, Қосонсой, Каттақўрғон сув омборларининг ҳаммини кенгайтириш кўзда тутилган.

Ўзбек халқи қараб ётган, шўр босган, қатра сувга ташна бўлган ерларга сув чиқариб, уларни богустонга, мўл-қўлчилик маконига айлантириш, асрлар давомида орзу қилиб келган эди. Бу орзу ҳозирги кунда зўр муваффақиятлар билан рўёбга чиқатганлигини ҳамма қуриб турибди.

Ғ. РИЗАЕВ
иқтисод фанлари доктори.



Раёно Расудова яқиндаги «8-Март» бадий каштачилик фабрикасида шогирд бўлиб келган эди. Энди смена топиригини 130—140 процентдан адо этиш билан бирга ўз кўлаб шогирдлар тайёрламоқда. Сурада: (чапдан) Р. Расудова, ш. каштачи Д. Иброҳимованинг ишнини кўздан кечирмоқда.

А. Тўраев фотоси.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

ҲАР ЙИЛИ РЕМОНТ ШАРТМИ?

Атрофи дарахтлар билан қуршалган хашаматли бина кўзга ташланган. Бу Юқори Чирчиқ районидан 14-ўнбир йиллик мактаб. Ичари кирсангиз баҳридингиз очилди. Ҳамма нарсаси жойида. Синфлар чиннидек қилиб қўйилган. Коридорлар ҳам ёрғишаси алагудек. Бу манзарани кўриб мактаб коллективи ремонт ишларини кеча ёки бугун сифати қилиб тугаллаган экан, деб ўйлайсиз.

Аслида шундайми? Йўқ. Сизга айтсак бундан тўрт йил муқаддам Ленин номи колхоз бу мактаб биносини сифати ремонт қилиб берган эди. Шундан бери мактаб ҳали бирон марта ҳам ремонт қилинмади. Шунга қарамай янги-янгидек турибди.

«Ахир ҳар йили ремонт қилиш керак, чуқун вақт ўтгач, ҳар қандай мактаб ҳам ремонт талаб бўлиб қолади» деб эътироз билдиришингиз мумкин. Бу, тўғриликан, ку тўғри-я, аммо қаловини топсан қор ҳам ёнар деганларидек ҳамма гап тартибкорлик билан иш тутишда қолган.

Бинони ремонт қилмай узоқ муддатга ўз аслида сақлаб қолиш учун мактаб дирекцияси, қолавердан, бутун коллектив жон қуйди. Бу ерда ўқувчилар орасида ўзига хизмат қилиш, ўз-ўзини идора қилиш асосида иш олиб берилади. Мактабдаги барча инвентарлар ўқувчилар ахтирига топшириб қўйилган. Улар мактаб мулкчини кўз қорачиғидек сақлайдилар.

Тўғри, ишнинг шу залда ташкил этиш дастлаб бир мунча қийинчилик туғдирди. Аммо, мактаб коллективи бу ишга астойдил киришган эди. Шунинг учун ҳам кейинги беш йил ичида ремонт қилинган. Ремонт учун ажратилган маблағларнинг маълум бир қисми эса янги синф хоналар қуриш, устaxonна ва пионер хонаси барпо этишга сарфланган.

Юқори Чирчиқ районида мактабларини ремонтсиз янги ўқув йилига тахт қилиб қўётган мактаб

лар оз эмас. Чунинчи, 6-ўнбир йиллик мактаб коллективи ҳам бинони қариб 8 йилдан бери ремонт қилмайд. Бирок, мактаб ремонт қилинган дарахадан ҳам аёло. Бу мактабда ҳам ўқувчилар ўртасида ўз-ўзига хизмат қилиш принципи амал қилинган. Юқори синф ўқувчилари кучи билан кейинги икки йил ичида 12 та синф хонаси қурилади. Шунингдек, янги тахонаси қад кўтарди. Бунинг натижасида машғулотлар бир сменада олиб бориладиган бўлди.

Бундай ибратли тадбирларни амалга ошираётган мактаблар об-ластимизнинг Калинин, Янгйўл ва Оққўрғон районларида ҳам мавжуд.

Хозир об-ластимизда 687 мактаб бор. Турган гап, бу мактаб

Она-Ватан Бино

УНИКАЛЬ СТАНОК	ҚИЛЛИНИЛДИ	ЗАВОДГА ТЕНГ МАШИНА
КОЛОМНА. Оғир станоксозлик заводида айланма уникаль станок монтаж қилина бошланди. Бу станокда йирик телескоп ойнаси ишланади. Янги машина лойиҳаси корхона конструкторлари томонидан яратилган.	ҚИЛЛИНИЛДИ. Оҳангарон қурилиш чанги ва тупроғи бу материал учун ҳамаш бўлиб хизмат қилади. Янги пех ҳар кун ишлаб чиқарувчи 8-уникаль машина монтаж қилинмоқда. Янги машинанинг бир ўзи шу пайтгача комбинатнинг мавжуд етти машинаси йилгари ишлаб чиқарётган 130 минг тонна упановна қилинадиган қозонни тайёрлаб беради. Уни ишга туширилгач, Сетсеза целлюлоза-қоғоз комбинати мамлакатта ҳозиргидан икки баравар кўп қозон етказиб беради.	СЕТЕЖА. (Карелия АССР). 1-қозғ фабрикаси енида янги, катта бино корпуси қад кўтарилди. Бу ерда қозғ ишлаб чиқарувчи 8-уникаль машина монтаж қилинмоқда. Янги машинанинг бир ўзи шу пайтгача комбинатнинг мавжуд етти машинаси йилгари ишлаб чиқарётган 130 минг тонна упановна қилинадиган қозонни тайёрлаб беради. Уни ишга туширилгач, Сетсеза целлюлоза-қоғоз комбинати мамлакатта ҳозиргидан икки баравар кўп қозон етказиб беради.

ШИФОКОР

Палатадан бироз ҳаяжонланган, мамнуликдан лаблари билинар-бинимас титраб турган оқ халатли йигит оҳиста юриб чиндида «Ортопедия бўлими бошлиғи» деб аниқ қўйилган хонага кириб кетди. Ичкарида бўлиб бошлиғи Сиддиқ Мусаев ренгтен қозғизга туширилган суратлардаги касаллик белгиларини диққат билан текшириб ўтирарди.

— Қалай? Дурустини Сурайё? — суради ў ҳозиргина хонага кирган врач Ботир Мирзасевдан.

— Эмон эмас, — жавоб берди Ботир.

Дарвоқе, одамларга медицина ходимлари ана шундай «эмон эмас», «дуруст» деб жавоб бермоқ учун қанчадан-қанча меҳнат, юрак ҳарорати, меҳр-муҳаббатини сарф этмоқлари даркор.

Сурайё исми ёш қизчининг ойғи бундан 7 йил муқаддам танчада куйганди. Кейин ойғи ўсмай қўқоқланган қолди. Бу даргда ана шу шифохонанинг ходимлари даво топдилар.

Бу ерда беморларнинг даволаши учун ҳамма нарсаси мавжуд. Бўлимининг операция хонаси замонавий янги медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. 2 та ренгтен аппарат, душ, ванна беморлар хизматига.

Утган йили Тошкентдаги 1-касалхонанинг ортопедия бўлими мон-нуяр врачлари қўлида 750 бемор, бу йил эса 340 бемор шифо топди. Шифохонага республикамизнинг турли шаҳар-қишлоқларидангина эмас, ҳатто Иттифоқимизнинг турли жойларидан ҳам беморлар келишди. Шифохона коллективининг муваффақиятларига эришишида Тошкент шаҳар врачлар малакасини ошириш институтининг илмий ходимларининг ҳам ёрдами катта бўлган. Профессор Н. Шоматов ва унинг мон-нуяр ассистентлари М. Мамчинов, В. Синов ўртоқлар бу ерда тез-тез бўлиб турадилар. Профессор бошлиқлида ўтказилган операциялар жуда яхши натижалар бермоқда.

Т. МАХМУДУЖОНОВ

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

Пойтахтнинг Қўйишев райониданги мактаблар янги ўқув йилига тайёр!

Райондаги мактаблар ремонтдан сифатли ва бекам-қўш чикди. Ўқиб ботиладиган ҳамма нарсаси тахт қилиб қўйилди. Бу йил районда 27 мактаб ишлайди. Булардан биттаси ўн бир йиллик. Бу мактабларда ўқув-тарбия ишларини ишлаб чиқариш таълими билан қилиб олиб бориш учун янги устaxonалар, фан кабинетлари ва лабораториялар ташкил этиш, қўшма синф хоналари қурилиши керак эди. Шундай қилинди. Чунинчи, 55-ўнбир йиллик мактабда 5-синфдан то 11-синфгача ўқув машғулотлари алоҳида жиҳозланган синфларда ўтказиладиган бўлди. Шунингдек, ҳар бир фан учун алоҳида кабинет қад кўтарди.

Райондаги 71-мактабда ҳам ўқув-тарбия ишларини яхшилаш мақсадига асосланган тадбирлар қўйилди. Эндиликда мактабнинг 4-синфига ҳар бир фан алоҳида-алоҳида ўқитувчи томонидан олиб борилади. Бу эса ўқув сифатини таъин ҳам оширишнинг муҳим омиллари.

Қўшма синф хоналарининг қурилиши натижасида райондаги яна уч мактаб янги ўқув йилидан бошлаб бир сменада ишлайди. Шуниси муҳимки, бу йил ўқувчилар иссиқ оғак билан таъминлаш масаласига ҳам жиддий эътибор берилди. Деярли ҳар бир мактаб йилининг охиригача эа бўлади. Ошхона қуриш имкони бўлмаган мактаблар қилиш билим ўқовчиларига тайёрланган овқатлар билан таъминланди. Шунингдек, райондаги 104, 161 ва 130-мактабларда термосларда овқат келтириш йўлига қўйилди.

Янги ўқув йилидан бошлаб мавжуд мактаблар қаторига яна учта янги мактаб қўйилди. Булар ҳозирдамоқ янги ўқув йилига тайёр қилиб қўйилган. Биринчи синфларга қабул қилинаётган ўқувчилар ҳам бу йил анча зиёд.

Район мактабларида бу йил меҳнаткашларнинг 28 минг 387 фарзанди таълим олади. Ўқувчиларни дарсликлар билан тўла таъминлаш учун мактаб дирекциялари бутун имкониятлардан фойдаланмоқдалар.

З. МУХАММАДЖОНОВ,



Чирчиқ шаҳрида мактаб-интернатлар аямалии қад кўтарди. Бу тарбия ўқовчиларида янги ўқув йилидан бошлаб қайноқ ҳаёт бошланади. Ўқувчиларнинг таълим тарбия олишлари учун ҳамма қулайликлар муҳайё қилинган. Сиз суратда ана шу мактаб-интернат аямалиини кўриб турибсиз.

О. Левак фотоси.

